



## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 йил «12» июль

5-7-0-Q/21

Самарқанд вилояти ҳокимлиги

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармониға мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини самарали ташкил этиш мақсадида

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан;

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) ишга қабул қилишни очик танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий этилаётганлиги;

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарлари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан биргаликда ўтказиладиган очик танлов асосида ишга қабул қилинади, уларни лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков, тегишли бошқарма ва ташкилотлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил 1 декабрдан бошлаб харид комиссиясининг маълумотлар ҳаққонийлигини текшириш ва иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш ваколатлари бекор қилинаётганлиги юзасидан белгиланган тартибга қатъий риоя этсинлар.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Ҳамидов), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев), туман ва шаҳар ҳокимликлари қурилиш соҳасида шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2021 йил 1 октябрга қадар:

бюджет ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари маблағлари ҳисобидан қурилиш-пудрат шартномаси учун ўтказиладиган тендер (танлаш)ни “Шаффоф

қурилиш” миллий ахборот тизимининг маълумот алмашинувини таъминлаган ҳолда, давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида электрон тарзда ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш;

қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари рейтинги ҳамда тендер савдоларидаги баҳолаш мезонлари ва методикасини қайта кўриб чиқиб, уларнинг очиқлигини таъминлаш ҳамда қурилиш ташкилотлари тоифалари ва нарх бўйича таклифни баҳолаш механизмини жорий қилиш;

электрон тендер тизимида маълумотларнинг ҳаққонийлигини автоматик равишда текшириш ва баҳолаш механизмини ишга тушириш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига тақдим этсин.

5. Вилоят Транспорт бошқармаси (И.Хамраев) тегишли бошқарма ва идоралар билан биргаликда:

йўл қурилиши ва эксплуатацияси соҳасига шаффофлик стандартларини жорий қилиш мақсадида 2022 йил 1 январга қадар автомобиль йўллари соҳасига тегишли маълумотларни ўз ичига оладиган "SHAFFOF YO'L" онлайн ахборот платформасини ишга тушириш;

ушбу платформа доирасида автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектларининг интерактив онлайн-харитаси ишлаб чиқиш;

кейинги йилда қуриладиган ва таъмирланадиган йўл участкаларини аниқлаш ва уларни харитага жойлаш ҳамда буни жамоатчиликка тақдим этиш амалиёти йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Ураков, А.Шукуров, О.Ходжаев, Ф.Абилов, Х.Очилов, Б.Нуруллаев, Д.Мамадқулов, А.Умаров, Ж.Ҳайдаров), вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари (Б.Рахматуллаев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари 2022 йил 1 январдан бошлаб "ҳалоллик вакцинаси" тамойили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш,

манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда ўқитиш тизимини жорий этилишини юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлигига кўмаклашсинлар.

Бунда ушбу тизим доирасида:

давлат хизматчиларини ўқитиш шаҳар ва туман даражасида ҳудудий адлия бўлимларида, вилоят даражасида ҳудудий олий таълим муассасаларида, Давлат бошқаруви академиясининг Самарқанд филиалида амалга оширилиши;

махсус электрон ўқув платформаси ишга туширилиб, у орқали давлат хизматчиларини масофадан туриб ўқитиш ҳамда хусусий сектор вакиллари ва аҳолининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини оширишни йўлга қўйилиши инобатга олинсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Ураков, А.Шукуров, О.Ходжаев, Ф.Абилов, Х.Очилов, Б.Нуруллаев, Д.Мамадқулов, А.Умаров, Ж.Ҳайдаров) зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов